Ёзувчи Фозил Зохиднинг келтиришича, 1873 йилнинг 29 май куни Хоразм тарихи сахифасига кора харфлар билан ёзилди. Боскинчиларнинг харбий юришлар ва киргинбаротлар оловида тобланган кўпсонли кўшинлари хонлик пойтахти Хива калъасига бостириб кирди, мукаддас жойларни оёк ости килди, асосий зарба диний ва миллий кадриятларга каратилди.
Тарихий манбаларда келтирилишича, калъани истило килишда 44 та замбарак, бошка ўт очиш куроллари ишга солиниб, масжид-мадрасаларга, макбара ва минораларга карата ўк отилган. Жума масжидига тўп отилган пайтда масжид минорасида азон айтаётган муаззин овози янграган. Шу куни олов халкасида колган 17 та масжидда жамоат бўлиб намоз ўкилган. 22 та мадрасада машгулот давом этган.

(«Мусулмонлар таквим китоби», 1999 йил, 4-чорак)